

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

435 Сурхондарё вилоятида бўш турган давлат мулки объектларидан келгусида янада самарали фойдаланиш, уларга салоҳиятли инвесторларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2015 йил 29 майдаги 142-сон қарорига мувофиқ бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан (кейинги ўринларда объектлар деб юритилади) келгусида самарали фойдаланиш, салоҳиятли инвесторларни жалб этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлигининг ўтказилган хатлов натижасида аниқланган объектлардан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга доир таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Қуйидагилар:

ўрнатилган тартибда бузилиши белгиланган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

инвестиция киритиш мажбурияти билан «ноль» харид қийматида хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхати 3-иловага мувофиқ;

давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича чора-тадбирлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорга 1-иловада назарда тутилган объектларни бузиш Сурхондарё вилоятининг тегишли туман ҳокимликлари ва балансда сақловчилар томонидан махсус комиссия тузилган ҳолда амалга оширилади ҳамда бузиш натижасида олинган яроқли қурилиш материаллари далолатнома тузилган ҳолда ҳисобга олинади;

мазкур қарорга 2 ва 3-иловаларда назарда тутилган объектлар хусусийлаштирилиб, янги мулкдорларга берилгунга қадар уларнинг дахлсизлиги ва бутлигини таъминлаш учун балансда сақловчилар масъул ҳисобланади.

4. Қуйидагилар объектларни бузиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш манбалари этиб белгилансин:

объектларни бузиш натижасида олинган яроқли қурилиш материалларини сотишдан тушадиган маблағлар;

балансда сақловчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда уларнинг харажатлар сметаси доирасидаги бюджет маблағлари.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

мазкур қарорга 1-иловада қайд этилган объектларнинг бузилиши натижасида бўшайдиган ер майдонларини ҳудуд талабидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда танлов асосида ажратилишини таъминласин;

мазкур қарорга 2 ва 3-иловаларда назарда тутилган объектларни хусусийлаштириш жараёнида ушбу объектларга ер участкаларининг асосланган ҳолда бириктирилишига алоҳида эътибор қаратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағларни, шунингдек баҳоловчи ташкилот ва савдо ташкилотчиси хизматлари учун харажатларни чегирган ҳолда, Термиз шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамида жамланади;

Термиз шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлар Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхат асосида кўп квартирали уйларнинг ҳудудларини ободонлаштиришга, умумий фойдаланиш жойларини, уларнинг ички ва ташқи муҳандислик

тармоқларини, томларини, фасад қисмини, мавзелар худудидаги ёритиш тизимларини тиклашга, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу жумладан ушбу ишларни бажариш мақсадида олинган кредитларни қоплашга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарорга 2-иловада назарда тутилган объектларни баҳолаш ва савдога қўйиш жадвалини;

мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган объектларни «ноль» харид қийматида сотиш бўйича танловларни ўтказиш жадвалини тасдиқласин.

8. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда, объектлардан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш чора-тадбирлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланиши ҳамда эълон қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси Термиз шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисоб рақамида жамланадиган маблағлардан ушбу қарорнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилиши юзасидан ҳар чораклик назорат ўрнатсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 сентябрь,
300-сон

Ўрнатилган тартибда бузилиши белгиланган давлат мулки объектлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Қурилган йили	Объектни бузиш натижасида бўшайдиган ер майдонлари (га)*	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
Денов тумани							
1.	1.	Тери-таносил касалликлари диспансери бино-иншоотлари	«Денов» ҚФЙ, «Дўстлик» МФЙ	1950	0,77	Денов тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
2.	2.	Қозонхона биноси	«Янги ҳаёт» МФЙ, Мустақиллик кўчаси	1978	0,04	Денов тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
3.	3.	Тез тиббий ёрдам биноси	Регистон кўчаси, 30-уй	1959	0,02	Денов тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Олтинсой тумани							
4.	1.	Фойдаланилмаётган автомобилларни сақлаш биноси	«Қорлиқ» ҚФЙ, «Бўстон» МФЙ	1968	0,02	Олтинсой тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
5.	2.	Фойдаланилмаётган қозонхона биноси	«Қорлиқ» ҚФЙ, «Бўстон» МФЙ	1985	0,04	Олтинсой тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Қумқўрғон тумани							
6.	1.	Фойдаланилмаётган ўқув бинолари	«Жалоир» ҚФЙ, «Жалоир» МФЙ	1940	0,03	Қумқўрғон тумани 9-сон умумий ўрта таълим мактаби	Халқ таълими вазирлиги
7.	2.	Собиқ ўқув биноси	«Қумқўрғон» ҚФЙ, «Тўғон» МФЙ	1980	0,018	Қумқўрғон тумани 42-сон умумий ўрта таълим мактаби	Халқ таълими вазирлиги

* Объектларни бузиш натижасида бўшайдиган ер майдонларига кадастр ҳужжатларига асосан аниқлик киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 сентябрдаги 300-сон қарорига
2-ИЛЮВА

435-модда

**Хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
Ангор тумани					
1.	1.	24-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган омборхона биноси*	«Истиқлол» ҚФЙ, «Фаровон» МФЙ	Ангор тумани 24-сон умумий ўрта таълим мактаби	Халқ таълими вазирлиги
Жарқўргон тумани					
2.	1.	«Қуёшча» болалар боғчаси филиалининг фойдаланилмаётган биноси*	«Сурхон» ҚФЙ, «Порлоқ юлдузи» МФЙ	Жарқўргон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
3.	2.	«8-март кинотеатри» биноси*	«Дўстлик» МФЙ, Ўзбекистон кўчаси	Сурхондарё вилояти «Киновидеохизмати» ДУК	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
4.	3.	Собиқ «Нодира» мактабгача таълим муассасасининг фойдаланилмаётган биноси*	«Истиқлол» МФЙ	Жарқўргон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
Қизиріқ тумани					
5.	1.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази биноси	«Сариқ» ШФЙ, «Янги турмуш» МФЙ	Қизиріқ тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
6.	2.	Собиқ Бандихон тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2 қаватли биноси	«Бандихон» ҚФЙ, «Бандихон» МФЙ	Қизиріқ тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
7.	3.	Собиқ Бандихон тумани прокуратураси биноси	«Бандихон» ҚФЙ, «Бандихон» МФЙ	Қизиріқ тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
8.	4.	Собиқ 35-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган 1-ўқув биноси*	«Янгийўл» ҚФЙ, «Истиқлол» МФЙ	Қизиріқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
9.	5.	Собиқ 35-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган 2-ўқув биноси*	«Янгийўл» ҚФЙ, «Истиқлол» МФЙ	Қизиріқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги

— 34 —

37 (745)-сон

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
10.	6.	Собиқ 35-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган 3-ўқув биноси*	«Янгийўл» ҚФЙ, «Истиқлол» МФЙ	Қизириқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
11.	7.	Собиқ 35-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган 4-ўқув биноси*	«Янгийўл» ҚФЙ, «Истиқлол» МФЙ	Қизириқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
Музработ тумани					
12.	1.	Собиқ Халқ банки махсус касса биноси	«Бешкўтон» ҚФЙ, «Оби Ҳаёт» МФЙ	Музработ тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Олтинсой тумани					
13.	1.	5-сон умумий ўрта таълим мактабининг фойдаланилмаётган ошхона биноси	«Қорлиқ» ҚФЙ, «Қорлиқ» МФЙ	Олтинсой тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
14.	2.	Хизмат кўрсатиш ва сервис уйи биноси	«Чеп» ҚФЙ, «Ипоқ» МФЙ	Олтинсой тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
15.	3.	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг эски биноси	«Қорлиқ» ҚФЙ, «Марказ» МФЙ, Ибн-Сино кўчаси 4-уй	Олтинсой тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
16.	4.	Собиқ юқумли касалликлар шифохонаси бинолари*	«Оқарбулоқ» ҚФЙ, «А. Бўтаев» МФЙ	Олтинсой тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Сариосиё тумани					
17.	1.	Собиқ қишлоқ врачлик пункти биноси	«Тоқчиён» ҚФЙ, «Лочин» МФЙ	Сариосиё тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
18.	2.	Фойдаланилмаётган оқова сувларни тозалаш бино ва иншоотлари	«Тоқчиён» ҚФЙ, «Бирлик» МФЙ	Сурхондарё вилояти «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
19.	3.	Собиқ бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг бино-иншоотлари	«А. Навоий» МФЙ, Марварид кўчаси, 110-уй	Сариосиё тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Термиз шаҳри					
20.	1.	Собиқ «Ёш сайёҳлар» маркази биноси*	Тоҳаристон кўчаси, 45-уй	Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси	Халқ таълими вазирлиги

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
21.	2.	Қурилиши тугалланмаган Темир йўл шифохонасининг маъмурий ва қоровулхона биноси	Ибн Сино кўчаси	Термиз шаҳар ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
22.	3.	Қурилиши тугалланмаган Темир йўл шифохонасининг хўжалик бино ва иншоотлари	Ибн Сино кўчаси	Термиз шаҳар ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
23.	4.	Маъмурий ва хўжалик бинолари	Тохарий кўчаси	Термиз шаҳар ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Термиз тумани					
24.	1.	Фойдаланилмаётган дам олиш маскани биноси	«Учқизил» ҚФЙ, «Учқизил» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
25.	2.	Фойдаланилмаётган ёзги клуб биноси	«Учқизил» ҚФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
26.	3.	Собиқ «Дўстлик» жамоа хўжалигининг фойдаланилмаётган идора биноси	«Паттақесар» ҚФЙ, «Мангузар» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
27.	4.	Фойдаланилмаётган «Дўстлик» меҳмонхонаси ва хўжалик бинолари	«Паттақесар» ҚФЙ, «Мангузар» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Узун тумани					
28.	1.	Собиқ музей биноси*	«Телпакчино» ҚФЙ, «Қарашик» МФЙ	Узун тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
29.	2.	Қишлоқ врачлик пунктининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари*	«Жончекка» ҚФЙ, «Чақар» МФЙ	Узун тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
30.	3.	Фойдаланилмаётган ёзги кинотеатр биноси*	«Телпакчино» ҚФЙ, «Қарашик» МФЙ	Узун тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
31.	4.	Собиқ болалар поликлиникаси биноси*	«Узун» ҚФЙ, «Баҳористон» МФЙ	Узун тумани тиббиёт бирлашмаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
32.	5.	Фойдаланилмаётган мусиқа мактаби биноси*	«Узун» ҚФЙ, «Ўзбекистон» МФЙ, Н. Жабборов кўчаси	Узун тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
Шеробод тумани					
33.	1.	Фойдаланилмаётган ёзги кинотеатр биноси*	«Катта ҳаёт» МФЙ, 8-март кўчаси	Сурхондарё вилояти «Киновидеохизмати» ДУК	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
34.	2.	Собиқ клуб биноси	«Сариқамиш» ҚФЙ, «Олтин воҳа» МФЙ	Шеробод тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
35.	3.	Фойдаланилмаётган «Саодат» мактабгача таълим муассасаси бино ва иншоотлари*	«Оққўрғон» ҚФЙ, «Оқтепа» МФЙ	Шеробод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Халқ таълими вазирлиги
36.	4.	Қурилиши тугалланмаган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази биноси	«Дўстлик» МФЙ, Мустақиллик кўчаси	Шеробод тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Шўрчи тумани					
37.	1.	Собиқ «Ойнақўл» кичик қорхонасига тегишли бино ва иншоотлар	«Шўрчи» ҚФЙ, «Ойнақўл» МФЙ	Шўрчи тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
38.	2.	Фойдаланилмаётган 2 та бостирма ва омборхона бинолари	«Кўклам» МФЙ, Мустақиллик кўчаси	Шўрчи тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

* Ушбу объектларни хусусийлаштириши улар Сурхондарё вилоятининг тегишли туман ва шаҳар ҳокимликларига белгиланган тартибда берилгандан кейин амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 15 сентябрдаги 300-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Инвестиция киритиш мажбурияти билан «ноль» харид қийматида хусусийлаштириладиган
давлат мулки объеклари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
Термиз тумани					
1.	1.	Собиқ 34-сон ҳарбий шаҳарчанинг фойдаланилмаётган тозалаш бино-иншоотлари	«Янгиариқ» ҚФЙ, «Дўстлик» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
2.	2.	Собиқ 34-А-сон ҳарбий шаҳарча 21-сон ер участкасидаги бино ва иншоотлар	«Янгиариқ» ҚФЙ, «Қорахон» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
3.	3.	Собиқ 49-сон ҳарбий шаҳарча бино ва иншоотлари	«Учқизил» ҚФЙ, «Паррандачилик» МФЙ	Термиз тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Шеробод тумани					
4.	1.	Фойдаланилмаётган омборхона биноси	«Дўстлик» МФЙ, Мустақиллик кўчаси	Шеробод тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
5.	2.	Собиқ «Кампиртепа Гранит мрамар» АЖ фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	«Кўхитанг» ҚФЙ, «Қизил олма» МФЙ	Шеробод тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

**Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни
тасарруф этиш бўйича чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Қурилган йили	Балансда сақловчи	Идоравий мансуб-лиги	Объектни балансига қабул қилиб олувчи ташкилот	Самарали фойдаланиш чора-тадбирлари
Ангор тумани								
1.	1.	Ётоқхона биноси	«Таллимарон» ҚФЙ, «Гулистон» МФЙ	1986	Ангор тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	Ангор тумани давлат архиви	Ангор тумани Давлат архивини бино билан таъминлаш учун, оператив бошқарув ҳуқуқи билан бериш
Жарқўрғон тумани								
2.	1.	Фойдаланилмаётган Болалар сил касалликлари шифохонасининг яшаш уйи	«Оққўрғон» ҚФЙ, «Қораёғоч» МФЙ	1989	Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Жарқўрғон тумани ҳокимлиги	Бино туман ҳокимлигига берилгандан сўнг ундан самарали фойдаланиш
3.	2.	Фойдаланилмаётган Болалар сил касалликлари шифохонасининг ошхона биноси	«Оққўрғон» ҚФЙ, «Қораёғоч» МФЙ	1989	Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Жарқўрғон тумани ҳокимлиги	Бино туман ҳокимлигига берилгандан сўнг ундан самарали фойдаланиш
Термиз шаҳри								
4.	1.	Собиқ 26-сон мактабгача таълим муассасасининг маъмурий ўқув таълим ва ошхона бинолари	Сароймулкхоним кўчаси, 35-уй	1985	Термиз шаҳар ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	Термиз шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Мазкур объектдан келгусида мактабгача таълим муассасаси сифатида фойдаланишга эҳтиёж мавжудлигини инобатга олиб, объектни мукамал таъмирлаш масаласини халқ таълими вазирлиги томонидан навбатдаги инвестиция дастурига киритган ҳолда ҳал этиш

Т/р	Т/р	Объектнинг номи	Жойлашган манзили	Қурилган йили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги	Объектни балансга қабул қилиб олувчи ташкилот	Самарали фойдаланиш чора-тадбирлари
Шеробод тумани								
5.	1.	Собиқ «Шарқ» кинотеатри бино ва иншоотлари	«Буюк ипак йўли» МФЙ, А.Навобий кўчаси	1989	Сурхондарё вилояти «Кино-видеохизмати» ДУК	«Ўзбек-кино» миллий агентлиги	Шеробод тумани ҳокимлиги	Туман ҳокимлигига бериб, ҳомийлик хайриялари ҳисобидан спорт мажмуаси ташкил этиш
6.	2.	Собиқ туман Тиббиёт бирлашмасининг умумий хирургия биноси	«Қўрғон» МФЙ	1984	Шеробод тумани ҳокимлиги	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	Шеробод тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат корхонаси	Шеробод тумани «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат корхонасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан самарали фойдаланишга бериш